



Баҳоси 3 тийин.

(Давом 2-бетда)



СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) Раззоқ Ҳамроев Навоий («Навоий Астрообда»), «Жон қизлар» спектаклида, Озодий («Махтумқул») ва Муқимий («Муқимий») ролларида. Суратдаш С. КОГАН.

Театр ва кино санъатининг атоқли намояндаларидан бири, катта истеъдод эгаси, талантлив актёр ва режиссёр Раззоқ Ҳамроев ўзининг нафис санъати билан ҳаммага манзур бўла олган ижодкорлардан эди. Ярим аср мобайнида у театрда ранго-ранг образлар яратиб, хилма-хил спектакллари сахналаштириб, кинода қатор ролларни ижро этиб, маданий ҳазинамиз бойишига баракали ҳисса қўшди.

Ланишлар яхши самаралар берди — Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин»идаги Хисрав, С. Абдулганининг «Тоҳир ва Зухра»сидаги Нозимлар актрининг сахнада яратган илк образларидир. Шунингдек у театр сахнасида Гоголнинг «Ревизор»идаги шаҳар ҳокими, Шиллернинг «Макр ва муҳаббат»идаги Фердинанд, Ян ва Чүлпонларнинг «Хужум»идаги Эшон, Умаржон Исмоиловнинг «Рустам»идаги бош қаҳрамон сиймоларини

кўп мамлакатларнинг кино муҳлислари завқ билан томоша қилдилар. Ҳа, ушбу бадий фильмга 1948 йилда ССЖИ давлат мукофоти берилиши ҳам бежиз эмасди. Улуғ Ватан уруши йилларида кино санъатига «Тоҳир ва Зухра»даги Нозим образи билан кириб келган актёр кейинчалик бутун умрини ушбу санъат билан чамбарчас боғлади ва қарийб қирқ йил мобайнида ранго-ранг сиймоларини

кий, Ю. Ражабий, К. Яшин, Уйғун, Изаат Султон, Маннон Уйғур, Ашрафий, Левиев, Музаффар Муҳамедовлар давом эттирган сахна навоийномасида ўзига хос янги саҳифа бўлиб қолди. Санъаткор яратган энг йирик сахна образларидан яна бири — «Муқимий» (С. Абдулла, Т. Жалилов, Г. Мушвель асари) спектаклидаги Мавлоно Муқимийдир. Бу асар жумҳуриятимиз саҳна маданияти соломасида йирик ҳодисалардан бири бўлиб қолди ва бир неча йиллар музикали театр репертуарини беэза қилди. Маннон Уйғурнинг режиссерлик салоҳияти туфайли сахнада муҳассам этилган бу асардаги Муқимий машҳур актёр ижросида куйма, монументал бўлиб, демократ шoirнинг ҳаёти, яшаган даврининг руҳини, унинг жушқин ижоди, инсоний фазилатлари, халқпарварлиги рўй-роост реалистик бўёқлар билан кўрсатиб берилган.

Умуман иқтидорли актёр сахнада ўзбек ва қардош республикаларнинг драматурглари яратган пьесаларда 100 дан ортиқ ролларни ижро этди. Мазкур роллар ўз таржиман ҳоли, ҳаракат қилаётган даври, ашаддан муҳити, сиёсий ҳаёда иқтисодий, диний мазҳаб, характери билан бир-бирдан кескин фарқ қилади. Шунинг ҳам очик-ойдин айтиш кераки, иланишлар ва роллар яратиб жараёнда ҳамма ниятлар ҳам юксак даражада амалга ошармади, қиймага етмай қолган ижоралар ҳам рўй берди — аммо булар ҳам зое кетмади, аксинча тажриба мактаби бўлди. Иланишлар ва талабчан актёр бундай пайтларда айрим санъаткорлар сингари танқидчилар фикрини таъна тошидек қабул қилмади, балки самимий маслаҳат, ижодий сабоқ деб билди.

— Танқид аниқса актёр учун бахисовчи бир баёбоқ ва ҳаққоний акс берувчи ойнадир, ижоддаги сохталарни, ҳақдан ортиқ бўёқ беришларни кўрمان десанг, ушбу мўжизавий ойнага боқиб тур, гар кўрсангки сиймо яратишда «баширинг қийиш», бу ойнадан ўпкалама, савбагин ўзланингдан, ўз носозлигингдан излагин, — дерди Раззоқ ака ҳаммаша.

Бетакдор санъати билан бир қаторда унинг хотирасига, қуваан-қоғизасига ҳам ҳаммаша қойил қоладим. У юзлаб шеър ва газалларни ёддан ўқиб, чарчамаслиги, асло толмаслиги мумкин эди. Иттифоқ Мисрага бирга сафар қилиб қолдик. Дарё Нил бўйи... Қандай дараклар, гуллар йўқ дейсиз бу ерда... Раззоқ ака «Мулла Бахриддин, фа-

раз қилинг, сиз шу дамларда бир боғи-эрамдасиз, бу ерда ҳазрат Навоий пайдо бўладилар — мана, кимки на тиксолида» деди-ю, газал кетидан газал янграй кетди:
Фалак иллуфаридин чашман моҳр ўлди гар пайдо...
Оразу ҳолининг бир дам кўрмасам, эй дийрабо...
Кимса ҳаргиз кўрмади чун аҳли даврондин вафо...

Ҳазрат Навоийдан 25 газал ўқилди. Кейин навбат Мавлоно Фузूलига келди — ундан ҳам ўнчага газал ўқилди. Сўнг Хўжа Ҳофиз Шерозий газалларига ўтildi. Азбарон худо, унинг газалларидан, янгишмасам 25 таси ўқилди. Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин»идаги шеърини монолоқларга, Эркин Воҳидов ҳамда Абдулла Орипов шеърларига ҳам навбат келди.

Мен Р. Ҳамроевнинг хотирасига неча юзлаб бадий фильмлари ўзбек тилига таъдиль — дубляж этганда ҳам хайрон қолган эдим. Менимча у санъатнинг бу борасида ҳам ўта юксак маҳоратини эгallaб олган. Шу кунларда ҳам, ойнаи жаҳонда ўзбекчага таржима қилинган фильм намоиш этилса албатта Раззоқ Ҳамроев аки ҳамма Умаровнинг ширли овозини эшитаман...

Актёр ўзининг серкира ижодкор эканлигини саҳна режиссурасида ҳам кенг кўрсата олди. Унинг режиссерлик қобилияти аниқса Муқимий номи театрга, мураккаб жанрда — музикали драма ва комедияда яққол кўзга ташланди. Танили режиссер сахналаштирган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ватан ишқин», «Нурхон», «Гули сийёҳ», «Тошболта ошқин», «Жон қизлар», «Фарғона тоғ отгунча», «Олтинқул» каби спектакллар томошабинлар олқишига сазовор бўлиб, улар хотирасида узоқ йиллар сақланиб келди. У турли театрлар сахнасида 78 спектаклни саҳнага қўйди. Шу билан бирга унинг ўзи ҳам бир неча пьесалар ёзган, қатор саҳна асарларини ўзбек тилига таржима қилган эди.

Ҳақиқий санъаткор ҳаётигидаёқ икки фазилати — яратган роллари ҳамда тарбиялаб етиштирган шогирдлари билан ўзига ҳайкал қўйди. У 1954 йилдан бошлаб Тошкент театрга ва рассомлик санъати институтининг музикали драма бўлимида актёр маҳорати бўйича дарслар бериб келди. Унинг умр йўлдоши Раҳбархоним кўп йиллардан бери «Ўзбекфильм»да режиссер-монтажчи бўлиб ижод қилиб келаётган, ўли Жавлон — Ўзбекистон ССЖда ўли ҳам жумҳурият халқ артисти, А. Навоий номи Катта опера ва балет театрининг солисти, келини Мукаррам раққоса, набиралари Бехзод ва Гузаллар ҳам бир қатор бадий фильмларда роллар ижро этганлар.

Р. Ҳамроев фаол жамоатчи ҳам эди. У Ўзбекистон ССЖ Олий Совети депутати бўлиб сайланган, кўп йиллар мобайнида жумҳурият театр арбоблари уюмчаси Президиумининг аъзоси сифатида самарали ишлари амалга ошириб келди. Актёр икки марта Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар дўстлиги, «Хурмат белгиси» орденлари билан мукофотланди. ССЖИ халқ артисти фахрий унвони, ССЖИ ва Ўзбекистон давлат мукофотларига сазовор бўлди. «Саҳна ва экран сехрларининг ариқ асриқ ижодий фаолияти, театр ва кинода яратган роллари, томошабинлар қалбини ром этган спектакллари маданий ҳаётимиз тарихининг олтин саҳифасига айланиб қолди. Ҳа, улкан ижодкор неча-неча дилларга нафосат улашди кетди...

Бахриддин НАСРИДИНОВ, Тошкент давлат маданият институти доценти.

ЭЪЛОНЛАР БҮРЧАГИ

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОИДА

27, 28 декабрь соат 19.00 да,

29, 30 декабрь соат 15.00 ва 19.00 да

«ХАЗИЛ-2»

ЯНГИ ПРОГРАММА

ҚАТНАШАДИЛАР:

«ҚИЗҚИЧ—89» кўринишини ролиблари ва совриндорлари:

Обид Асомов, Мирза Ҳолмедов, Тўхтамурод Азизов, Собит Асомов, Ботир Муҳаммаджўзаев;

Ўзбекистон ССЖ халқ артисти

Малика АҲМЕДОВА

Ўзбек сехрлари, оригинал жап устаси

Фарҳод РАҲАПОВ

ва бошқалар

Саҳналаштирувчи режиссер — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номи Давлат мукофотининг совриндори Абдурашид РАҲИМОВ.

Патталар соат 11.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ВИЛОЯТ УРТА
МАКТАБ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1990 ЙИЛ 24 ДЕКАБРДАН
1991 ЙИЛ 14 ЯНВАРГАЧА

ҚИШКИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА

Сизнинг ҳузурингизга

«НАСРИДДИН АФАНДИ
ТОМОШАХОНАСИДА»

МИЛЛИЙ ФОЛЬКЛОР ТЕАТР-СТУДИЯСИ

ТАШРИФ БУЮРАДИ!

ТОМОШАМИЗДА ҚОРБОВО, ҚОРКИЗ, МУЛЛА
НАСРИДДИН ВА ЭРТАК ҲАҚРАМОНЛАРИ ҚАТНАШАДИ.

Нақд пул тулаш ва пул ўтказиш йўли билан олдиндан патталар сотиш ташкил этилган.

ТАЛАВНОМАЛАР Тошкент шаҳри, Марказ-1, 8-уй, 3-хона ва Оржоникидзе ноҳияси учун — ноҳия таълими бўлимида 22 ДЕКАБРГАЧА ҚАБУЛ ЭТИЛАДИ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-50-79, 33-47-56.

ЎЗБЕКИСТОН ЕЗУВЧИЛАРИ УЮШМА-
СИНИНГ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КИНОФИЛЬМЛАРИНИ

ИЖАРАГА БЕРИШ ИДОРАСИ

ДЕКАБРЬ ОИИДА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИ ВА
НОҲИЯЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ЎЗБЕК ТИЛИГА
ТАРЖИМА ҚИЛИНГАН

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРДИ

«РИО»ДАН КЕЛГАН ОДАМ»

Режиссер — Филипп Де ВРОКА.

Ролларда — Жан-Поль-БЕЛЬМОНДО, Франсуаза ДОР-ЛЕАК, Жан СЕРВЕ, Симона РЕНАН ва бошқалар.

Бу экан асари саргузашт комедия бўлиб, унинг қаҳрамони отпускичи-ёш асар ўз қайлигини ўғирлаб кетганлар орқасидан йўлга отланиб Рио-де-Жанейрога келиб қолди.

Франция ва Италия киностудиялари маҳсулот.

«МАХЗУН ҚАБРИСТОН»



Сценарий муаллифи — Сергей КАЛЕДИН.
Режиссер — Александр ИТИГИЛОВ.
Ролларда: Владимир ГОСТИХИН, Лев ДУРОВ, Нина РУСЛАНОВА, Лев БОРИСОВ, Ольга МАТЕШКО, Алексей СЕРЕБРЯКОВ ва бошқалар.

Ингира Янлик Елгон-яшиқлар жонга теккан мамлакатда ўлим ҳеч бир завод ёки ҳеч бир фабрика ип эшолмайдиган улкан фойда манбага айланади. Узулсиз ҳаранатдаги ўлим қомеиери бригада пудратига ўтади. Ва энг ғамноқлик қомеиери шундаки, бу одатдан ташқари меҳнат жамоасининг қонунлари ҳаспўшловчи ёки уни бузувчи одамлар ҳам топилишига ақл бовар қилмайди. Бу ерда — трест бошқарувчисидан тортиб то гўрновгача қабристон мафисиси тартиб топлан.

С. Калединнинг шу номдаги повести асосида суратга олинган.

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Тошкент тўқимачилар Маданият саройида газламаларнинг сотишга бағишланган йиллик анъанавий жумҳурият улгури армараси тўтади.

Жумҳурият ип газлама ва шойи тўқин қорхоналарининг жамоалари сотувчи, улгуржи-савдо ташкилотлари эса харидор вазифасини бажаришди. Ўзбекистон тўқимачилик ва шойи тўқин қорхоналари унда қатнашиш ҳоҳишини билдирганликларини ана шу тадбирга қиянқиш қатта эканлигиндан далолат беради. Маҳаллий сановат вазириги, етил сановат вазириги ўз вакилларини армаркага юбордилар.

«Ўзгавлағеснабсит» бошқармаси армаркани ташкил этди.

(ЎЗАТГ мухбири).

ИШЧИ-ДЕҲҚОН МУХБИР-
ЛАРИ ДОРИЛФУНУНИ
ТАЛАВАЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент ҳақиқати» рўномаси ҳузуридаги ишчи-деҳқон мухбирлари дорилфунунининг навбатдаги машғулот — 21 декабрь соат 18.00 да 7-қават, 760-хонада бўлади.

Мухаррир
Н. НАСИМОВ.

Ноёб қобилият эгаларининг кенгаши

Ниятлари—дардга дармон бўлиш

14—15 декабрь кунлари Тошкентдаги Киночилар уйида Урта Осиё, Қозоғистон жумҳуриятлари экстрасенсларининг семинари бўлиб ўтди. Унда иттифоқимизнинг бошқа қардош, автоном жумҳуриятлари, Москва, Киев, Саратов каби йирик шаҳарларидан ҳам вакиллар иштирок этдилар.

Семинарни ССЖИ Экстрасенслар уюшмасининг президенти Т. С. Силиев кириш сўзи билан очиб, кун тартиби ҳақида тўхтади. Биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим

бўлган муаммолар, тадбирлар хусусида фикр билдирди.

— Қадим замонларда Ҳиндистон, Хитой, Миср, Турон улкларини бундай ноёб қобилиятли одамлар кўп учиради. Фақат уларнинг табиқлар, шаъналар, киничилар деб аташган, — дея сўзида давом этди Т. Силиев. — Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам беморларга тўғри ташхис (диагноз) қўйиб, даволашга муваффақ бўла олмаганлар. Аниқса уларнинг баъзилари оддий қонун-қондаларга риоя қилмаганликлари туфайли қабулга келганларга юқумли касаллик ви-

русларини тарқатиш манбаси бўлишган. Бундай ҳодисалар ҳозирги кунда ҳам учрамоқда. Шу сабабли биз экстрасенсларнинг Тошкентдаги Абу Али Сино номи марказида уч ойлик курс ташкил этдик. Ноёб қобилиятли одам аниқлашчи (ҳозир ССЖИда 8 мингдан зиёд одам ўзини экстрасенс деб атамоқда. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам шундай қобилият йўқ) уч ой давомида замонавий тиббий билим ва қонун-қондалар ўргатилади.

Экология тангликдан азоб чекаётган қорақалпоғистонликларга ёрдам бериш мақсадида кейинги йилда Мўйноқ ва Тўртқўл шаҳарларидан доимий ишлайдиган марказлар очилади. Бундан ташқари уюшма аъзоларининг амалга ошириётган ишларини кузатиб, қонирчи ҳосил қилган Болгария тиббий хизматчилари мамлакатнинг турли шифохоналарида 2 ой ҳамкорликда ишлашга келишди олдидлар. Шу йилнинг 25 декабрдан бир гуруҳ ноёб қобилият эгалари Болгарияга жўнаб кетишди.

А. В. Ефименко ўз маърузасида экстрасенсологиянинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги ҳақида гапирди. Аниқса шифокор билан экстрасенс беморни ҳамкорликда қабул қилиш чет мамлакатларда (КХДР, Япония) аллақачонлар йўлга қўйилганлиги ва бу усул яхши самара бераётганлигини таъкидлаб ҳозирча бизда ана шу жараёнига ик-



Семинар қатнашчилари ўзаро фикр алмашишмоқда.

кинчи даражали вазифа деб қаралаётганлигини куйиниб гапирди.

В. Н. Алаев эса инсон организмидеги вирусларнинг кириб бориши ва тарқалиш тезлигини ҳеч қандай тиббий асбоб-ускуна-сиз, анализларсиз аниқлаш хусусида тўхтади. Бу босқичда иборат жараёни ўз ичига олади. Ҳар бир тадбирнинг аниқ мудафатларда оғишмай амалга ошириш катта аҳамият касб этаркан.

Бундан ташқари физика-математика фанлари доктори М. Тўлағанова «Ўрта Осиёлик олим — мутафаккирларнинг

фан ва экстрасенсологияга қўшган ҳиссаларини, тиббиёт фанлари номзооди Л. Раҳимова «Псориаз касаллигини комплекс даволашда қўл теккизмасдан уқлаш ва физиотерапиянинг ҳамкорлиги», техника фанлари номзооди Е. Бичков «Экстрасенслар алоқа воситаси», Ҳ. Мирбадалов «Нафас сиқини даволашнинг ноъанавий усуллари» сингари турли-туман мавзуларга бағишланган маърузалар қилишди.

Семинар сўнггида кейинги йилда қилинадиган ишлар фикрлашиб олинди.

И. ТОШЕВ.



СУРАТДА: ССЖИ Экстрасенслар уюшмасининг президенти Т. Силиев академик А. Концеллов билан. В. ТУРАЕВ суратга олган.

